

KZ 4 -сонли шартнома
 «Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

«10» 01 2022 й.

Ушбу шартнома «Навоий сув таъминоти» МЧЖ, Томди туман бўлими, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи З. Абдуллаев (Ф.И.О.)

шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи Гафур мурадов Ҳамидходоев асосида иш олиб борувчи директор Садиков (Ф.И.О.)

иқкинчи томондан, қуидагилар ҳакида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 20__ йил учун сув стказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан буён матинда II гурух «Истеъмолчи» лари деб юритилади) учун сув стказиш нарх бўйича м'ни:

1 м³ ичимлик сув учун сўм (+ККС 15%), + сўм (махсус устама ҳақни);

1 м³ оқова сув учун сўм (+ККС 15%), + сўм (махсус устама ҳақни) ташкил кильмоқда.

II тариқа шартноманинг умумий киймати сўмни ташкил килди.(сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблагларидан сўм, бюджетдан ташкири маблагларидан 1050000 сўм бюджетдан ташкири маблаглардан тўланиши кўзда тутилган.

II гурух истеъмолчилари Коидаларда белгиланган тарзда “Таъминотчи” томонидан тақдим килинган хисобварак-фактурааларга асосан, Молия вазирилиги Фазналилиги оркали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблаглар оркали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаша ва «Истеъмолчи»дан оқова сувларни кабул килиб олиш мажбуриятини ўз зинмасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни хар ойнинг 10 саёнасигача 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш тарикасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зинмасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлини ва оқова сув хизматларни бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июндан 194-сонли карори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматларни кўрсатиш Коидалари”га (кейинчалик матинда – Коидалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланадиган маҳсус устама ҳақи 1 м³ ичимлик сув учун сўм, 1 м³ оқова сув хизмати учун сўм билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим килинган ичимлик ва оқова сув тизимиға уланиш учун рухсат этувчи хужжатларга риоя килиш мажбуриятини ўз зинмасига оладилар.

II. Умумий коидалар

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» ташкилоти рухсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасарруфидаги ичимлик ва оқова сув тармоқларига, иштош ва курилмаларга субистеъмолчиларнинг уланишига рухсат бериш хукуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Таъминотчи» ташкилоти томонидан кўриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланган субистеъмолчи турли гурух ва тоифали истеъмолчиларига мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартномани «Истеъмолчи» хам, субистеъмолчи хам тузади ва сувни хисобга олиш приборини ўрнатиш хар иккалasi учун хам мажбурий хисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-дарахтларни суторини учун фойдаланишинида кўйинласди иштисно ҳозалашлари йўл кўйилади: ирригация суви ёўлмагандан, таъминотчи ташкилоти куввати мавжуд бўлгандан ва маҳаллий ливзат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, факат тунги вақтда (соат 00-00 дан соат 05-00 гача) йўл кўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидан истеъмолчи хўжалик-истеъмолчи маниши эҳтиёж ва ёнгинларни ўчириш хамда технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни хисобга олиш приборлари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбаланади, ҳамда “Таъминотчи” томонидан пломбаланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувини хисобга олиш приборини счиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш конунчиликда белгиланган тартибида амалга оширилади.

2.7. «Истеъмолчини» ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) хисоб-китоб асосида аникланди, обьектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ҳамда «Истеъмолчи» билан келишилади. Хисоблаш прибори учун ўрнатилган минимал истеъмол микдоридан кам микдорда сув истеъмол килинганда, «Таъминотчи» ходими сув ўлчаш тармогига кайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмагандан, хисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул килинмайди ва хисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартибида амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш приборларини ишга тушириш, хисоблаш приборларни алмаштириш, янги субистеъмолчиларнинг уланиши «Истеъмолчи» томонидан факат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиха асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчини»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хужжатларни илова килган холда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеъмолчи» буюртмасига асосан, амалдаги месъёр, кондалар ва бошқа месъёрни хужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва курилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ микдори ўзгарган санасидан катъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузилган шартнома ўз кучини сақлаб колади ва «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан ўтиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Кўйингилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истеъмолчини»ни ўз жумладан, хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги ичимлик ва оқова сув хизматлари тармоқлари, иштошлари хамда курилмаларига хизмат кўрсатишни утарнинг техник ҳолатини сақлани ва фойдаланиши ўзасидан жавобгарлик чегаралари хисобланади:

а) ичимлик сув истеъмоли учун — тармокка уланишини узиб кўйувчи кириш кулфи. Кирин кулфи билан ичимлик сувга уланиши, «Истеъмолчини»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир кисми хисобланади;

б) оқова хизмати учун — «Истеъмолчи» оқова тизимининг ички кисми хисобланувчи, магистрал оқова тармогига уланиш нуқтасидаги чиқарув кулиги. Агар чиқарувчи оқова кулиги (камераси) магистрал оқова тармогига жойлашган бўлса, ушбу кулиг «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармогининг бир кисми хисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиши чизиги эса «Истеъмолчини»нинг маблагилари хисобидан амалга оширилади.

III. Тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Истеъмолчи» нинг хукуқлари:

3.1.1. Тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини баъжармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан конунчиликда ва шартнома шартларда кўрсатилган микдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб килиш;

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор килиш тўғрисида, унинг бекор килинишидан камидан 15 кун олдин огохлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлами бекор килиш;

3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўклиги ҳакидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вакили оркали бепул олиш;

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва оқова сув хизматлари хакми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўғарини хакидаги маълумотларни бепул олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари кўрсатилмаётгандиги ёки уларнинг наст сифатда экансиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

3.2. «Истъемолчи» нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Оқава тармогида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини сув босинишдан саклайдиган барча ўчирувчи курилмаларнинг бут сакланганлиги, ишга яроклилиги ва нормал техник холатда бўлишини таъминлаш;

3.2.2. Истъемолчига қарашли санитария асбоблари, оқава тармоқлари, иншоот ва курилмаларда тамбанинг йўклиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник холати туфайли истъемолчининг оқава тармоқларида ёки «Таъминотчи» ташкилотида, ичимлик сув ва оқованинг ташки тармоқларида авария (тиклиб колиш, сув босини) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босини оқибатида стказилган зарарни коплаши;

3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан хисоб-китоб килиш учун фойдаланиладиган сувни хисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнгин зулфинлари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфида бўлган хамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув зулфинларидағи пломбаларнинг бутлиги ва саклаш;

3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иншоотлари ва курилмаларнинг шикастланиши туфайли стказилган зарар учун конунчиликда белгиланган тартибида жавобгарлик;

3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнгинга карши тизимидан фойдаланиш тўхтатилганда «Истъемолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига пломба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини чакириш;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофик мажбуриятларига риоя килиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аник сешиб олиш хамда ушбу кўрсаткичларни «Таъминотчи»га кечикмаган холда тақдим килиш ва тўловни амалга ошириш.

3.3. «Таъминотчи» нинг хукуклари:

3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истъемолчини 7 кун аввал ёзма равишда огохлантирган холда, куйидаги холатларда сувни узатиш ва оқова сувларни кабул килишни тўлиқ ва кисман тўхтатиши мумкин:

а) «Истъемолчи»га тегиши ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, курилма ва иншоотларнинг техник холати коникарсиз билгиланган ташкилоти вакиллари томонидан аникланган техник фойдаланишдаги бартараф этиш бўйича «Таъминотчи» ташкилоти таълаблари истъемолчи томонидан бажарилмаганда;

б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истъемолчининг сувни хисобга олиш узелин, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, курилмалари ва иншоотларни назорат килиш хамда сувни хисобга олиш прибори кўрсаткичларни кайд этиш, пломбаларни ўрнатиш максадида кўздан кечириш, белгиланган лимитдан кўп сарф килинганда сув берини мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келгандаги истъемолчи томонидан асосини равишда киритилмаганда;

в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истъемолчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, курилмаларида режали-огохлантириш тарзида таъмирилаш хамда хизмат кўрсатиши ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истъемолчиниарни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истъемолчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аникланганда;

д) «Истъемолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда;

е) «Истъемолчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқларига, курилмаларида «Таъминотчи» ташкилотидан уланиш учун белгиланган тартибида рухсатнома олган субабонентларнинг тегиши тартибида уланиши рад этилганда;

ё) «Истъемолчи» томонидан шартнама шартлари бажарилмаганда ва у оқизилаётган оқова сувлар микдори ва таркиби бўйича шартларга риоя килмаганда.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти куйидаги холатларда оидиндан хабар қилмасдан сув узатишни тўлиқ ёки килеман тўхтатишга хакли:

а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б) Табиий оғатлар рўй берганда;

в) Авария холатларидан;

г) Ёнгин чиккан жойларга сув узатишни кўпайтиришга зарурат тугилганда.

3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;

3.4.2. Ичимлик ва оқова сув тармоқларининг техник холатини мунтазам равишда назорат килиб борин;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб борин;

3.4.4. Истъемолчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва оқава тармоқлари, иншоотлари хамда курилмаларнинг холатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишда назорат килиб борин, улардан самаралди фойдаланишини ташкилотиниришида истъемолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

3.4.5. Истъемолчилар томонидан сувни бехуда сарфининг олидини олиш, саноат корхоналари ва уларга тенглаштирилган корхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя килинаётганини мунтазам равишда назорат килиш;

3.4.6. Сув истъемолчи белгиланган меъёр (лимит)лардан ортиб кетсан холатларда «Таъминотчи» ташкилотларига белгиланган тарифларга нисбатан ортирилувчи 10,0 көффициентнинг кўллаш;

3.4.7. Оқава сув тизимида оқизилаётган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартнома шартларига мувофик ўз мажбуриятларини бажара олмаган холатларда истъемолчига пешн хисоблаш;

3.4.9. Истъемолчиларнинг шартнома шартларига риоя этишимагани масаласи бўйича суд органларига мураккаат килиш;

3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг холати, қарзларнинг йўклиги хакидаги маълумотларни истъемолчиларга бепул тақдим этиш;

3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар хакида улар амалда жорий килинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот восьиталари ёрдамида истъемолчиларни хабардор килиш;

3.4.12. Ичимлик ва оқава сув хизматларини кўрсатишида рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиш ва узилишлар хакида истъемолчилар узилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огохлантириш.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофик мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган холларда келиб чиккан зарарни, фистеъмолчий эса стказилган хакиқий зарар ўрнини коплаши шарт.

4.2. «Истъемолчи» куйидагилар учун жавобгарлар:

а) Ичимлик сувни хисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, гидрант ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги килемларнинг худудида ва тасарруфида бўлган пломбаланган хисоблаш курилмаларнинг бутун сакланиши учун;

б) Сув тармоқларига ўз бошимча уланниб олиш, совук сувни хисобга олиш курилмаларнинг касддан бузилишига йўл кўйинш хамда сув хисоблаш приборларидаги кўрсаткичларни ташкиридан аралашган холатлари учун;

в) Ўзбошимчалик билан курилган иншоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган холатларда;

г) Дрениаж тизми мавжуд бўлса «Истъемолчи» худудида жойлашган оқава тармогига ёмғир ва эриган кор сувларнинг тушишига йўл кўйаслик;

Ушбу коидабузарлик аникланганда «Таъминотчи» ўрнатилган тартибида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истъемолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат килиди;

д) Конунчиликда ўрнатилган бошқа холларда.

4.3. «Таъминотчи» куйидаги холларда жавобгардир:

а) Амлдаги меъёрий-хукукий хужжатларнинг талабларига мувофик ва конунчиликда кўзда тутилган бошқа холларда;

б) «Истъемолчи»ларга ичимлик ва оқава сув хизматларидан фойдаланиши учун зарур бўлган техник шартларни ўз вақтида ва ишончли тақдим килемини учун;

в) «Истъемолчи»нинг хаёти, саломатлиги ва мол-мулкига стказилган зарар, маънавий зарар учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва микдорда коплаш;

г) Шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун хисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг хисоби хисоблаш прибори мавжуд бўлгандан, хисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ККСни хисобга олган холда амалга оширилади.

5.2 «Истъемолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун хисобга олиш приборлари мавжуд бўлгандан охирги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳак тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3 Тўловнинг шартномада белгилангандан кечиширилган ҳар бир куни учун истъемолчи 0,4 фоиз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечиширилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.4 «Истъемолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳак тўловларини амалга оширмасалар, истъемолчиларни ёзма равишда хабардор қилган пайтдан бошлаб беш иш кунни ўтгандан кейин қарзларни конун хужжатларида белгиланган тартибда истъемолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узib қўйиш ўйли билан ундириш чораларни кўради.

Бундай ҳолларда ёнгидан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истъемолчи»дан базавий хисоблаш микдорининг 10 (үн) баробари оқова сув чиқариш тизимидан илгари узib қўйилган ҳолларда кайта улашида «Истъемолчи»дан ўтказилган хисоблаш микдорининг 10 (үн) баробари микдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблагларни ўтказиши оркали ундирилади;

5.5. Оқова тизимига келиб тушувлари оқова сувнинг микдори. ичимлик сув тармоғидан стказиб бериладиган ичимлик сув микдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истъемолчиликни ичимлик сув микдорига оқова сув тармоқлари хисоби учун 2,0 коэффициенти кўлланилади. «Истъемолчи»нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг микдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган хисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истъемолчи»нинг шахсий автомон манбаси билан бўлгани бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автомон сув таъминоти (кудуқ, очик сув олиш хавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун маҳсус табий сув объексларидан маҳсус сув олиш ёки истъемолчилик учун рухсатномани кўшимча равища тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автомон манбаси (артезиан скважинаси, кудуқ, очик сув хавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлгандан оқова тизимига оқова сувларни оқизиш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш куввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган хисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истъемолчи»га карашли бўлган автомон сув таъминоти манбанинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истъемолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларни тўлаб, бу хақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт. «Истъемолчи» чиқиб кетгач сувни хисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлити ва копламаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объексларинг янги эгаси зинмасига юкландади.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви хажми кувурнинг ўтказиш кобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан кўйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H \times t}$$

бунда: M – 0,60га тенг бўлган зулфин оркали сув сарфи коэффициенти;

F – сукоклик оқиб ўтадиган кувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) m^2 ;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушни тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда.

Қуйидаги ҳолатларда юкоридаги формула асосида хисобланади:

6.2.1. «Истъемолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланганда;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиқкан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув хажми сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача хисобланади;

6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўгинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талафономаси кондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув ўлчаш приборининг хисоб-китобини олиб бориш бўгинидаги кўйилган химоя (пломбага) рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганди;

6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан ёнгидан сақланиш гидрант ва кувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилиди ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га стказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат киласи. Бунда:

- тўлов муддати, ёнг сўнгги тузилган далолатнома санаасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санаасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан уланиб олинган кунда хисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санааси бу хакда маъдум бўлган санаагача. Агар «Таъминотчи» баландаги тармоқларга уланиш содир тозиган бўлса, бу муддат даъва аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланиб олинган санааси топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъва муддатига тенг леб одинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Бедгиланган муддат туганинг буюргачи (объектни лойхалаштириш ва куришини бошлиш учун) дойиха муддатини ёки янги техник шартларни олниш зарур.

Техник шартларни мавжуд бўлмаган холда ёки муддатни ўтиш холда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.5. «Истъемолчи» ичимлик ва оқова сувни тармоқларига уланиш санааси хакидаги хужжатларни тақсим ўтмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан хоким карори ва кадастр хужжатлари хамда шу кабилар асосида хужжат билан тасдиқланган уланиш санааси бўйича хисоб-китоб килишига хакидири.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талафономалари асосида уларга хизмат килувчи банклар оркали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истъемолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичди акцептсан тартибда амалга оширилади. Тўловлар уз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечиширилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пеня ёзди ва унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимига рухсат этилмаган ёнгир ва эркин кор сувлари оқизилаётган, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истъемолчи»лар томонидан ташлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунидан қабул қилинган 11 сонлии карори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш консалтлари» хамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шахарлари ва бошқа ахоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганини учун «Истъемолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент микдор тартибда хисобланади.

6.8. Оқова сувни чиқариб юборишнинг хажми ва таркиби бўйича месъёрлар билан белгиланган оқизишнинг йўл қўйиладиган чекланган микдоридан ортиқча оқова сувлар ва ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариш тақсисланади.

6.9. Ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизганлиги учун компенсация тўловларини хисоблаб ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги «Габиатни муҳофаза килишини таъминлашнинг иктиносидий механизmlарини янада таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон карорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш консалтлари хамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шахарлари ва бошқа ахоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганини учун компенсация тўловларини хисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қарздорлик тўланинг тақдирда «Истъемолчи» оқова тармоқларидан узib қўйилади.

6.11. Хисоб-китобнинг нотўғри килинганини (тарифларнинг нотўғри хисобига олинганини) ва шу каби ҳолатлар тўғрисида «Истъемолчи» ёзиладиган этироғизнома тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатга «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Џитирознома «Истъемолчи»ни тўлов

таълономаси ва хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатга тўланиндан озод қилимайди.

35 0000 × 86%

1049848,60
1049848,60

VII. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиккан низолар, келишув йўли билан хал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ юридик «Истеъмолчи» давлат рўйхатидан ўтган суд органларида кўриб чикилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган холатлар юзасидан низо келиб чиккан тақдирда Конунчилликда белгиланган тартибда хал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажариласлиги табиат ходисалари ва бошқа сингиб бўлмайдиган куч (форс мажор) холатлари (зилзила, сув тошкани, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар музкур шартноманинг бажарилшига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликсандан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариши муддати сингиб бўлмайдиган куч холатлари амал киляган, шунингдек, ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор холати мавжуд бўлган томон З кун ичидаги бонақа томонни форс-мажор холати бошланган муддатларни кўрсатган холда ёзма равишида огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор холатининг шартнома шартларини бажарилшига уч ойдан кўп муддат тўскинилик қиласа, томонлардан биро шартноманинг бекор қилиш хукукига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлинмаларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва 00.00 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЛЪМИНОТЧИ»

“Навоий сув таъминоти” МЧЖ
Томди туман бўлимни
Манзил: Томди тумани
Б.Жирау кўчаси 1-ой
Тел: 79 582-23-97
Банк: АТИБ Ипотека банк
МФО: 00205, ИИН 300024824
х/р: 22638000504548322367

«ИСТЕЪМОЛЧИ»
Томди тумон ҳали - қадархонка
Манзил ҲАДДИ - ТОМДИ
Тел: 5841327 факс: 53 213 22
газ/х-р 1000 078 002 441 005 01800
Банк Таслонимиц
Банк коди 00001 СТИР Ходжайло
ХХТУТ 97000
Шахсий ракам _____
Шахсий х-р _____
Банк Таслонимиц - 1
Банк коди 00001 СТИР Ходжайло



Юридик ҳуносаси:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва “Хўжатин-кортичий субектларининг шартномавий-хукукий асоси тўгрисида”ги

Конун талабларига мувофиқ тузилган

Юрист консультант: жур

«00.00» 2020 й.